

НОМИҚ КАМОЛ ИЖОДИЁТИ ВА “ИНТИБОҲ” РОМАНИ

Шукрова Ойша Зафар қизи

ТДШУ таянч докторанти

aishashukurova22@gmail.com

ORCID No: 0009-0005-5516-1674

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада турк адабиётида замонавий насрый асарлар, хусусан роман жанри тақомилига улкан ҳисса қўшиган ижодкор Номиқ Камолнинг ижодий йўли ҳақида сўз боради. Шу билан бир қаторда, мақолада турк адабиётининг дастлабки романи сифатида тан олинган “Интибоҳ” (“Үйғониши”) асари борасидаги мулоҳазалар ҳам ўрин олган.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается творческий путь Намыка Кемаля, внесшего огромный вклад в развитие современной прозы в турецкой литературе, в частности, жанра романа. Кроме того, в статье содержатся размышления о произведении “Интибах” (“Пробуждение”) признанном первым романом турецкой литературы.

ABSTRACT

This article examines the creative path of Namık Kemal, who made a great contribution to the development of modern prose in Turkish literature, particularly the novel genre. In addition, the article contains reflections on the work “Intibah” (Awakening) recognized as the first novel of Turkish literature.

КИРИШ

Номиқ Камол (1840–1888) – турк адабиётининг илғор мафкуравий ва ижтимоий фикр тараққиётида мухим ўрин тутган ёзувчи, шоир, драматург ва публицист ҳисобланади. У XIX асрнинг иккинчи ярмида Усмонли империясида кузатилган Танзимот даври ёзувчилари орасида миллий уйғониш ғояларини илгари сурган энг намоён вакиллардан бири сифатида танилган. Унинг ижоди турк адабиётида эркинлик, адолат, Ватанга муҳаббат ва демократик қадриятлар ҳамда ғояларни тарғиб этгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Номиқ Камол фаолияти фақатгина шеърият билан чекланмаган, у қўп қиррали ижлдкор сифатида драматургия ва публицистика соҳаларида ҳам фаол ижод қилган. Унинг “Ватан ёхуд Силистр” (Vatan Yahut Silistre) драмаси турк адабиётидаги илк ватанпарварлик драмаларидан бири бўлиб, ҳалқ орасида катта резонанс уйғотган. Бу асар орқали у миллатни ватанни севиш, уни ҳимоя

қилиш, миллий яқдилликка эришиш ғоялари асосида бирлашишга даъват этган. Шу билан бирга, адаб турк адабиётида роман жанрида ижод қилишни бошлаб берган дастлабки ёзувчилар орасидан жой олганлиги ҳам алохида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Роман жанри аввало Туркияning ўзида, сўнг хорижий мамлакатларда янги бир адабий меъёр, бадиийликнинг инъикоси сифатида тан олиниши биланоқ, бу борада кўплаб мақола, асар ва монографик тадқиқотлар нашр қилинди. И.Татарли, Р.Моллоф¹, Р.Танер, А.Безиржи², Ш.Акташ³, Д.Йилмаз⁴, К.Акюз⁵, Н.Сами Банарли⁶ кабиларнинг тадқиқотлари Туркияда роман жанрининг пайдо бўлиши, бевосита Номиқ Камол ва бошқа романнавислар ижоди ҳамда дастлабки романларнинг мазмуний таснифиға бағишлиланган. Шунингдек, россиялик тадқиқотчилар В.Гордлевский⁷, Д. Еремеев⁸, А. Евдокимова⁹, Н. Дулина¹⁰, Н. Айзенштейн¹¹, В. Гарбузова¹², Р.Фиш¹³ ва Х.Кямилев¹⁴ ўз асарлари ва тадқиқотларида Усмонли империясининг XIX асрдаги адабий муҳити, Фарб адабиётининг унга кўрсатган таъсири ва бевосита романчиликнинг турк адабиётида пайдо бўлишига доир қиматли маълумотларни келтирганлар. Бу тадқиқотлар XIX аср ўрталари - XX аср бошларида яратилган романларни қамраб олган бўлиб, уларда Танзимот давридаги адабий жараёнларнинг умумий белгиларни ёритиш, Номиқ Камол ва замондош адиллар асарлари ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериш, романлар сюжетини баён қилиш, романни мазмун ва шаклига кўра таснифлаш тамоили кузатилади.

НАТИЖАЛАР

“Хуррият шоири” номи билан танилган Номиқ Камолнинг асл исми Мехмет Камол бўлиб, Софияда ижод қилаётганида шеърларидан мамнун бўлган Ашраф Пошо унга “Номиқ” (қалам соҳиби) тахаллусини беради. Н.Камол диний билимларни пухта эгаллаш билан бир қаторда араб, форс ва

¹ Hüseyin Rahmi'den Fakir Baykurt'a kadar Türk Romanı / Tatarlı İ., Mollof R. – Sofya: Vatan Cephesi Milli Saveti Yayinevi, 1968. – S. 216.

² Seçme Romanlar (yazarları, özetleri, eletiriler, kaynaklar) Taner R., Bezirci A. – İ.: Hür Yayinevi, 1973. – S. 248.

³ Aktaş Ş. Roman Sanatı ve Roman İncelemesine Giriş. – A.: Akçağ Yayınları, 1991. – S. 166.

⁴ Yılmaz D. Roman Kavramı ve Türk Romanının Doğuşu. – A.: Kültür Bakanlığı, 1990. – S. 160.

⁵ Akyüz K. Modern Türk Edebiyatının Ana Çizgileri. – A.: İnkılap, 1979. – S. 270.

⁶ Banarlı N.S. Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. 2. cilt. – İ.: MEB Yayınları, 1971. – S. 550.

⁷ Гордлевский В.А. Избранные сочинения. В 3-х т. – М.: Издательство восточной литературы, 1962. Т.2. – С. 560.

⁸ Еремеев Д., Мейер М. История Турции в средние века и новое время. – М.: МГУ, 1992. – С. 246.

⁹ Евдокимова А. История стран Востока в новое время. – Уфа: БГПУ, 2009. – С. 238.

¹⁰ Дулина Н. Танзимат и Мустафа Решид-паша. – М.: Наука, 1984. – Б. 191.

¹¹ Айзенштейн Н. А. Из истории турецкого реализма. – М.: Наука, 1968. – С. 284.

¹² Гарбузова В. С. Поэты средневековой Турции. – Л.: ЛГУ, 1963. – С. 201.

¹³ Фиш Р. Г. Писатели Турции - книги и судьбы. – М.: Наука, 1963. – С. 242.

¹⁴ Кямилев Х. У истоков современной турецкой литературы. – М.: Наука, 1967. – С. 132.

француз тили ҳамда адабиётидан ҳам яхши хабардор бўлган. Дастлаб Зиё Пошо билан ҳамкорликда “Хуррият” газетасини нашр қилган адиб кейинчалик ижод намуналари – маърифатпарварлик, миллат эрки мавзусидаги оташин мақола ва шеърлари билан публицистик фаолиятини “Ибрат газетасида давом эттиради. Дастлабки шеърлари девон адабиётига тақлидан ёзилган бўлса, кейинги даврга келиб улар янгича шакл ва мазмун касб этади. “Ватан манзумаси”, “Озодлик манзумаси” сингари шеърлари билан турк шеъриятида илк бор хуррият ва Ватан мавзуларини ёритиб беради. 1872 йил “Ватан ёхуд Силистра” номли пьесасини ёзади ва у 1873 йилда Гедик Пошо театрида саҳналаштирилади. Пьеса жамоатчиликда кучли ҳаяжон уйғотгани важи билан шоир Мағуса қалъасига (Кипр) сургун қилинади ва шу ерда “Интибоҳ” (“Уйғониш”) (1873-1876) романини ёзади.

“Асар ёзилган даврни ҳисобга олсак, Номиқ Камолнинг асарини жанр талабларига мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Номиқ Камол “Интибоҳ” романининг ғоясини асар охиридаги “Сўнгги пушаймон – ўзингга душман” деган сўзлар билан ифодалаш билан бирга, романнинг ўзига ҳам “Сўнгги пушаймон” деб ном қўйган. Бироқ асар номи Маориф вазирлиги томонидан Номиқ Камолнинг рухсатисиз ўзгартирилган. Романнинг баъзи қисмлари цензурадан ўтказилади ва китобдан олиб ташланади, номи эса “Интибоҳ: Али бейнинг саргузаштлари” тарзида ўзгартирилади. Китоб нашр этилган пайтда Номиқ Камол сургунда бўлганлиги сабабли, унинг исми муаллиф сифатида кўрсатилмайди. Жумҳурият эълонидан сўнг, 1944 йилда асар биринчи марта лотин ҳарфлари билан нашрдан чиқади.

Номиқ Камол асарларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, хуррият, маърифатпарварлик, тenglik ғоялари акс этган. Шахс эрки, ватаң манфаатини доим биринчи ўринга қўйган. Романтик руҳдаги асарларида ҳамиша адолат тантанаси тасвирланади. «Бечора бола» (Zavallı Çocuk) (1873), «Акифбей» (Akifbey) (1874), «Гулниҳол» (Gülnihal) (1875), «Жалолиддин Хоразмшоҳ» (1875) пьесалари, «Интибоҳ» (İntibah) (1876), «Жезми» (Cezmi) (1880) романлари, шеърлари, публицистик мақолалари, усмонийлар тарихига бағишлиланган илмий асарлари (“Усмонли тарихи” (Osmanlı Tarihi) 1971-1974; “Буюк ислом тарихи” (Büyük İslam Tarihi) 1975) Номиқ Камолни даврининг энг машҳур адиби сифатида танитди. Унинг шеърлари тўплам ҳолида 1941 йили С.Н.Эргун томонидан эълон қилинган. «Жалолиддин Хоразмшоҳ» пьесаси ўзбек тилига Хуршид Даврон томонидан таржима қилиниб, телевидение орқали намойиш этилган.

Туркия Жумҳуриятининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк ҳам Номиқ Камолни алоҳида эътироф этиб, шундай дейди: “*Benim bedenimin babası Ali Rıza Efendi, Duygularımın babası Namık Kemal, Fikirlerimin babası ise Ziya Gökalp’tır.*”

“*Vatanın kurtuluşu ve istiklali için ölmeyi bugünkü nesle Namık Kemal öğretti. Harbiye senelerinde siyaset fikirleri baş gösterdi... Namık Kemal'den gelen sesin büyüsüne kapılmıştık. Bu ses ruhumuzu şimşek gibi sarsıyor, bu ses şimdije dek okuduğum şiirlerdeki hiçbir sese benzemiyordu. Namık Kemal'in yiğit sesi, önemde bambaşka bir ıskun açılmasına yol açıyordu.*¹⁵”

“Менинг баданимнинг отаси Али Ризо афанди, туйгуларимнинг отаси Номиқ Камол. Фикрларимнинг отаси эса Зиё Гўкалпdir”.

“*Batannинг ҳурияти ва истиқоли учун жон берини бугунги авлодга Номиқ Камол ўргатди. Аскарлик йилларда унинг сиёсий фикрлари уйғонганди... Номиқ Камол овозининг асирига айланиб қолгандин. Бу овоз чақмоқ сингари рұхимизни титратар, унга қадар ўқиган шеърларимнинг ҳеч бирига ўхшамасди. Номиқ Камолнинг ўқтам овози олдимда янги-янги уфқларнинг очилишига замин яратди.*”

Номиқ Камолнинг “Усмонлилармиз” каби шеърларида туркий халқларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, уларнинг тили, тарихий урф-одатлари, ўзаро қон-қардошлиқ алоқалари, мустамлакачиларга қарши истиқтол учун кураши ифодалангани учун улар туркий халқлар орасида кенг тарқалиб, айниқса, шоирлар ижодида акс-садо топди.

МУҲОКАМА

Турк адабиётшунослигига “адабий роман” деган тушунча мавжуд бўлиб, у тилнинг адабий хусусиятларини бўрттириб кўрсатишни назарда тутади. Шунуктаи назардан келиб чиқсан ҳолда адабиётшунослар томонидан “Интибоҳ” турк адабиётнинг биринчи адабий романни сифатида эътироф этилади. Номиқ Камол турк адабиётига ғарбдан кириб келган бу жанрни муваффақиятли тарзда бошлаб беради. “Интибоҳ” романида техник жиҳатдан камчиликлар бўлиши мумкин, бироқ бу ҳолат роман муваффақиятига соя солмайди. Айтиш мумкинки, турк адабиётда роман жанри намуналари кам бўлган ўша даврда “Интибоҳ” романни энг муваффақиятли асарлардан бири бўлган. Танзимотнинг биринчи даври ижодкорларидан бири бўлган Номиқ Камолнинг содда тил тушунчаси “Интибоҳ” романида тўлақонли равишда намоён бўлган. Муаллиф асарда ўзи яшаган давр адабий тилидан кўра соддароқ ва тушунарлироқ тилни қўллайди. Романдаги воқеалар ривожи ва асар тилининг равонлиги ўқувчини қизиқтириб қўяди.

¹⁵ Yahya H. [Atatürk Ansiklopedisi. 10 Ciltli. – I.: May Yayınları, 1971. C.10. – S. 847.](#)

Романда отасидан айрилгач, ҳаёти тубдан ўзгариб кетган йигит тасвиранади. Бу ерда ота образи рамзий маънога эга – тартибни сақлаб турувчи ва уни таъминловчи шахс, яъни отанинг ўлими ҳамма нарсанинг издан чиқиб кетишига сабаб бўлади. “Интибоҳ” романи ёзилган вақтда Усмонлилар салтанатининг аҳволи ҳавас қиласи эмасди. Усмонли империяси бошқа давлатлар томонидан “хаста одам” лақабини олади ва тахт ворислари мерос учун талашадиган даража тубанликка бориб етганди. Қисқаси, Усмонли империясининг қулаши аниқ бўлиб қолганди. “Интибоҳ” романидаги ота сиймоси Усмонлилар империясининг рамзиdir. Ота вафот этса, фарзандлари қийин аҳволга тушиб қоладилар. Ўша даврда ёзилган романларда ота ёки сарой рамзий маънода қаламга олиниши одат тусига кирган – роман давомида ота вафот этади ёки қаср сотувга қўйилади. “Интибоҳ”да ҳам худди шу рамзий ифода орқали мамлакатнинг таназзули, аҳолининг абгор аҳволи қўйидагича тасвиранади::

Ali, zaten mahzun yaratılışlı bir çocuktı. Kendi hayatından daha üstün tuttuğu babasını, gönlünün olanca sevgisiyle seviyordu. Hiç ümit etmediği, hatta aklının ucundan bile geçirmediği bir anda o aziz varlığı ebediyen kaybedince yaşamının tadını da beraber kaybetti; büsbütün mahzunlaştı. Çok sevdiği kitaplarını okumaktan bile artık zevk almıyor, evvelce düşüncelerinin emesiresi olna dairesine gittiği zaman şimdî zindana atılmış gibi azap duyuyordu. Artık, bütün işi gücü, odanın bir köşesine çekiliip uzun uzun ah etmek, acı göz yaşları dökmekten ibaretti¹⁶. (Али табиатан маҳзун бола эди. Ўзининг ҳаётидан ҳам устун қўядиган отасини бутун вужуди билан яхши кўради. Ҳечам ўйламаган, ҳаёлига ҳам келтирмаган бир пайтда энг азиз инсонини абадий йўқотиши билан ҳаётининг маъноси ҳам йўқолди; батамом ғамга ботиб қолди. Энг севимли китобларининг мутолааси ҳам завқ бермайдиган, авваллари хаёл суриб ўтирадиган хонасига кирганида ўзини зинданга ташлангандай ҳис қилиб, азобланадиган бўлиб қолди. Энди қиладиган иши хонанинг бир бурчагига тиқилиб, узундан-узоқ оҳ тортиш, алам ёшлиарини тўкишдан иборат эди).

Номиқ Камол сингари ўша даврнинг бошқа ёзувчилари ҳам жориялар мавзусига тўхталиб ўтганлар. “Интибоҳ”да ҳам жория мавзусини учратамиз. Номиқ Камол жория мавзусига Самипошозода Сазоийнинг “Саргузашт” романидагичалик тўхталмаса-да, Дилошуб образи орқали одамларнинг бир буюмдек сотиб юборилишини асарда танқид қилади.

“Интибоҳ” романтизм йўналишининг белгиларини ўзида яққол намоён этади. Аввало, қаҳрамонларни кўриб чиқадиган бўлсак, романдаги

¹⁶ Kemal N. İntibah. – І.: Ынқілап Китабеви, 2010 – S. 22.

қаҳрамонларнинг шахсияти аниқ чегаралар билан белгилаб қўйилган. Мисол учун, Моҳпайкар бутунлай салбий, Дилошуб бутунлай ижобий қаҳрамон. Реал ҳаётда учратиш қийин бўлган бундай ҳолат романтизм маҳсулидир. Роман давомида содир бўладиган тасодифлар ҳам романтизм оқимининг инъикосларидир. Реалистик оқимда ёзилган романларда ҳам тасодифлар юз бериши мумкин. Бироқ реалистик идрок билан ёзилган романлардаги бу тасодифлар қандайдир сабабга мантиқан боғланади. Романтизмда эса воқеалар бутунлай тасодифий бўлиб, романдаги воқеалар ривожини ўзгартириб юборса ҳам, шунчаки тасодиф бўлиб қолаверади. Роман камчиликларидан бири ҳисобланган бундай тасодифлар ёзувчига роман ёзиш босқичида муаммоли вазиятлардан халос бўлишга имкон беради. “Интибоҳ” романида Дилошубнинг хат ёзаётганда қўлга тушиши, Дилошубнинг Моҳпайкарнинг қотиллик режасини билиб қолиши каби ҳолатлар тасодифан содир бўлади. Бироқ, бу ходисалар воқеалар ривожида катта ўзгаришларга олиб келади.

Танзимот даврида ёзилган бошқа романлардаги каби, муаллифнинг ўзини романнинг ичида деб тасаввур қилиш ҳолати “Интибоҳ” романида ҳам намоён бўлади. Бу ҳолат “Интибоҳ”да бошқа романларга нисбатан жуда оз кузатилсада, Номиқ Камол роман охирида айтмоқчи бўлган асосий фикрини ўқувчининг ўзига ҳавола этиш ўрнига “Сўнгги пушаймон - ўзингга душман” деган сўзлар билан изоҳлайди.

ХУЛОСА.

Номиқ Камол ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унинг энг ёрқин ижод намуналарининг Ватан, миллат, ҳуррият, хуқуқ каби мавзуларга бағишлиланганини кўрамиз (“Ватан ёхуд Силистра”, “Жалолиддин Хоразмшоҳ” драмалари; “Жезми” романи; “Ҳуррият” қасидаси вҳк.). Ў.Гўчунга кўра¹⁷, “Интибоҳ”ни муаллифнинг бошқа асаларидан ажратиб турадиган жиҳат шундаки, романда юқорида саналган мавзулар кўлами яққол кўзга ташланмайди. Яъни, қайсиdir маънода “Интибоҳ”ни Номиқ Камол ижодининг туб бурилиши, деб аташ мумкин. Шундай бўлса-да, матн остидаги кўринмас чизгилар яна ўша мавзуларга ишора қиласеради – бу сафар адаб ахлоқий меъёрларга даққатни қаратиш орқали миллат ичидаги муаммоларга ойна тутади. Романда муаллиф Али бейни икки аёл билан бўлган муносабатлари ичида йўлини йўқотиб қўйган йигит сифатида тасвирлайди. Бу жиҳатга биз давр нуқтаи назаридан ёндашиб, Номиқ Камол Али бей образи орқали ўша замондаги Усмонли империясининг аянчли аҳволини тасвирламоқчи бўлган, деган фикрдамиз. Нафақат Али бей, унинг атрофидаги деярли барча

¹⁷ Önder Göçgün, Edebiyat ve Fikir Dünyamızda Namık Kemal (Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Yayınları), 58.

қаҳрамонларда Танзимот даври Усмонли империясидаги муайян ҳолат ёки вазият акс этган, дейиш мумкин: бу қаҳрамонлар ногаҳон ўзи ҳам билмайдиган йўлга тушиб қолган, бегона йўлда ҳақиқий йўлбошчидан маҳрум бўлиб қолган, охирги йилларини яшаётган Усмонли империясининг муайян бир шахсдаги инъикоси¹⁸ эди. Жамиятнинг асосий ижтимоий-маданий, маърифий ҳамда тарбиявий муаммоларини бу тарзда қўтариб чиқиши, буларни кенг эпик кўламда кўрсатиш муайян типлар воситасида даврга хос бўлган янги нуқтаи назарни бадиий акс эттиришни ўргатди. Бу эса давр ижтимоий ҳаётини бадиий тасвирилаш ва умумлаштириш тажрибасини такомиллаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Адабий турлар ва жанрлар. (Тарихи ва назариясиға оид). Уч жилдлик. Т. 1. Эпос. – Т.: ФАН, 1991. – 347 б.
2. Алимбеков А. Танзимат даври турк адабиёти. Маъruzalар матни. – Т.: ЎзМУ, 2002. – 48 б.
3. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насринида услубий изланишлар – Т.: Фан, 1992. – 163 б.
4. Yahya H. Atatürk Ansiklopedisi. – İ.: May Yayınları, 1971. C.10. – S. 847.
5. Kemal N. İntibah. – İ.: İnkılap Kitabevi, 2010.
6. Göçgün Ö. Edebiyat ve Fikir Dünyamızda Namık Kemal (Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Yayınları).
7. Йўлдошев Қ. Роман жанрининг етакчи белгилари ва бугунги ўзбек романларига хос хусусиятлар/ Озод ватан саодати. Т.5. Адабий танқид. – Т.: Adib, 2013. – 419 б.
8. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000. – 112 б.
9. Қуров Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т., 2004. – 242 б.

¹⁸ Finn, Türk Romanı İlk Dönem, 1872-1900, 44